



Иван IV (Грозный) — XVI асрдаги Рус подшолигининг илк подшохи ва унинг давлат сиёсатида каттиққўллик ва марказлаштириш гоялари устувор бўлган хукмдор ҳисобланади. Унинг хукмронлик даврида амалга оширилган йирик харбий кампаниялардан бири — 1552 йилда Козон хонлигининг забтидир. Бу воқеа фақат харбий галаба эмас, балки православ империя (учинчи Рим) куриш гоясининг амалий қадами бўлган.

“Козоннинг забти православ империяси ни куриш йўлидаги улкан режанинг бир қисми эди”

деган таъбир тарихий воқеликни тўла акс эттиради.

Козон хонлиги ва Москва ўртасидаги муносабатлар

XV аср охири ва XVI аср бошларида Козон хонлиги мустақил давлат сифатида Москва билан иқтисодий ва харбий алоқаларни олиб борган. Савдо-сотикда Дон ва Волга йўллари катта аҳамиятга эга бўлган. Бирок чегара низолари ва харбий тўқнашувлар туфайли муносабатлар тез-тез ёмонлашиб турган. Иван Грозний даврига келиб, Москва давлатининг стратегик мақсади — Козонни тўлиқ ўз назоратига олиш бўлди.

Козон юриши ва забти

1552 йилда Иван Грозний катта харбий юришга тайёргарлик кўрди. Минглаб сарбозлар, замонавий тўплар ва мухандислик қурилмалари билан Москва кўшинлари Козонга йўл олди. Камал бир неча ҳафта давом этди. 1552 йил октябрда шаҳар кулади.

Бу забт фақат харбий ҳаракат эмас, балки сиёсий рамзга айланди. Козоннинг кулаши билан Москва давлатининг Волгабўйи (туркийлар) устидан ҳукмронлиги таъминланди.

Киргин ва аҳолига муносабат

Козон кулаганидан сўнг шаҳарда кенг кўламли киргин бошланди. Минглаб татарлар ва бошқа мусулмон аҳоли ё ўлдирилди, ё кулликка олинди. Масжидлар йикитилди, улар ўрнига православ черковлари қурилди. Бу ҳаракатлар аҳолини кўрkitиш ва диний ассимиляция сиёсатининг бир қисми эди.

Геноцид ва демографик оқибатлар

Козон забтидан кейин татар аҳолисининг катта қисми йўқ қилинди ёки мажбурий кўчирилди. Қолганлари эса маданий ва диний босим остида яшашга мажбур бўлди. Татар маданияти, тили ва диний ҳаётига катта зарба берилди. Бу жараён демографик тузилишда ҳам ўзгаришларга олиб келди — православ аҳоли кўчирилиб келтирилди ва маҳаллий ерлар мустамлакага айлантирилди.

Православ империяси гояси

Иван Грозний сиёсатида православ дин марказий ўрин эгаллаган. Козоннинг забти бу гояни амалга оширишнинг муҳим босқичи бўлди. Москва ўзини “Православиянинг ҳимоячиси” сифатида намоён қилиб, Волгабўйи ва кейинчалик Сибирга кенгайтиш сиёсатини давом эттирди.

Хуллас, 1552 йилдаги Козоннинг кулаши тарихда харбий ғалаба сифатида эмас, балки маҳаллий аҳолига қарши амалга оширилган кўпол киргин ва ассимиляция сиёсати сифатида ҳам қолди. Бу воқеа православ империя қуриш йўлидаги муҳим қадам бўлди, бироқ татар халқи учун маданий ва демографик фожиа олиб келди.

Абу Муслим

(Тарих илми сайтининг бош мухаррири, профессор)